

ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ТИЗИМЛАР ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

Эрназаров Алишер Эргашевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Ахборот технологиялари” кафедраси мудири,

Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси (PhD),

alexchigatay1213@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ўқув машғулотининг тузилиши, ўқув машғулоти элементлари, ўқув машғулотлари тури, ўқув машғулоти тури, дарс методикаси, ўқув машғулоти мавзуй режаси ҳақида айтиб ўтилган.

***Калит сўзлар:** таълим жараёни, дарс машғулоти, ўқув машғулотининг тузилиши, машғулот элементлари, машғулот тури, машғулот турлари, мавзуй режаси.*

ABSTRACT

The structure of the training session, the elements of the training session, the type of training session, the type of the training session, the teaching method, the thematic planning of the training session were mentioned.

***Key words:** educational process, lesson training, structure of educational training, training elements, training type, training types, thematic planning.*

КИРИШ

Ахборот технологиялари, педагогик технологияларни узлуксиз таълим тизимида ривожланишини яқини натижаларини таъминлашда асосий ўринлардан бирини эгаллаб бормокда, буни таълим-тарбиянинг барча жабҳаларида кўриш мумкин. Шунинг учун ёш авлодга таълим-тарбия беришда қўлланиладиган педагогик технологияларда ахборот технологияларнинг маълумот ва материалларидан иложи борича кўпроқ фойдаланиш шу куннинг долзарб масалаларига айланиб бораётганлигини жамият тараққиёти унинг ривожига ҳар жабҳада кўрсатиб турибди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Машғулот тузилиши унинг мантиғига, ўқитиш жараёни қонуниятлари ва машғулотнинг дидактик мақсадига мос ҳолда бир қисмдан бошқасига ўтганда жуда аниқ бўлиши лозим.

1-жадвал

Ўқув машғулоти тузилиши

1.	Янги билимларни ўзлаштириш жараёни структураси	Мотивация – таянч билимларни долзарблаштириш – қабул қилиш – англаш ва дастлабки эслаш – ўзлаштиришни текшириш – мустаҳкамлаш – таҳлил қилиш.
2.	Билимларни мустаҳкамлаш жараёни мантиқи	Мотивация – ҳаракатнинг усуллари ва асосий билимларини долзарблаштириш – билимларни қўллаш намунасини идрок этиш – билимларни ўхшаш ва янги вазиятларда мустақил қўллаш – ўз-ўзини назорат – назорат – коррекция – таҳлил.
3.	Билим ва ҳаракат усулларини комплекс қўллаш жараёни мантиқи	Мотивация – комплекс билимларни долзарблаштириш - билимларни комплекс қўллаш намунаси - ўхшаш ва янги вазиятларда билимларни мустақил қўллаш - ўз-ўзини назорат – назорат – коррекция – таҳлил.
4.	Билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш жараёни мантиқи	Мотивация – ўқув материали мазмунини таҳлил қилиш - асосий алоқаларни ажратиш - тизимлаштириш ва умумлаштириш – фанлараро ва курслараро алоқаларни ўрнатиш – дунёқараш ғоялари - ўз-ўзини назорат – назорат – коррекция – таҳлил.
5.	Ҳаракат усуллари, билимларни баҳолаш ва коррекция қилиш, текшириш жараёни мантиқи.	Мотивация – назорат топшириқларини мустақил бажариш – ўз-ўзини назорат – назорат – баҳолаш – таҳлил - коррекция – рефлексия.
6.	Машғулот сифатининг асосий мезони	У ёки бу иш турларини қўллаш эмас, балки таълим олувчиларнинг ўқитилганлиги, машғулот мақсадига эришилганлигидир.

Ўқув машғулот тузилиши бу, машғулот яхлитлигини таъминловчи, турли вариантларда асосий фаоллик кўрсатишни сақлаш каби унинг жамики элементлари. Машғулотнинг таркибий қисмлари ўзаро чамбарчас боғланган ва аниқ бир кетма-кетликда амалга оширилади. Ўқув машғулоти тузилиши: қўйилган мақсад, ўрганиладиган материал мазмуни, ўқитишнинг метод ва усуллари, таълим олувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва ривожланиши, ўқув жараёнида машғулотнинг ўрнига боғлиқ. Машғулотларнинг ҳар бир типи ўзининг аниқ элементлари билан ўзига хос структурага эга. Мисол сифатида энг умумий элементлари қўйидагича.

2-жадвал

Машғулотнинг структурали элементлари

Босқичлар	Дидактик вазифалар	Вазифаларни ечиш натижаларининг реал кўрсаткичлари.
Машғулот	Машғулотда ишлашга таълим	Хона ва жиҳознинг тўлиқ

бошланишини ташкил этиш	олувчиларни тайёрлаш.	тайёргарлиги, иш ритмига таълим олувчиларни тез жалб этиш.
Уй вазифасини бажарганлигини текшириш	Барча таълим олувчилар томонидан уй вазифасини бажарганликни тўғрилиги ва англашганлигини ўрнатиш.	Вазифаларни бажариш тўғрилигини ҳамда камчиликларни тузатишни ўрнатиш учун назорат ва ўзаро назорат оптималлигини қўшиш.
Машғулотнинг асосий босқичига тайёрланиш	Таълим олувчилар томонидан қабул қилинган ўқув-билув фаолияти ва мотивацияни таъминлаш, таянч билим ва кўникмаларни актуаллаштириш.	Таянч билимлар асосида фаол ўқув-билув фаолиятига таълим олувчиларнинг тайёргарлиги.
Янги билимлар ва ҳаракат усулларини ўзлаштириш	Билимларни дастлабки эслаш ва ҳаракат усулларини, қабул қилиш ва англашни, ўрганиш объектидаги муносабат ва алоқани таъминлаш.	Таълим олувчиларнинг ўрганиладиган объект билан фаол ҳаракати, билимларга эришишда ва ҳаракат усулларини эгаллашда мустақилликдан максимал фойдаланиш.
Билимларни тушунишни дастлабки текшириш	Янги ўқув материални тўғри ва англашган ҳолда ўзлаштирилганлигини ўрнатиш, камчиликларни аниқлаш, тузатиш киритиш.	Репродуктив (эсда қолган нарсани тасвирлаш) даражадаги ўзлаштириладиган билимлар ва ҳаракат усулларининг моҳиятини ўзлаштириш.
Билим ва ҳаракат усулларини мутаҳкамлаш	Ўзгарадиган вазиятларда янги билимлар ва ҳаракат усулларини қўллаш даражасида ўзлаштиришни таъминлаш.	Таниш ва ўзгарувчан вазиятларда билимларни қўллашни талаб этувчи топшириқларни мустақил бажариш.
Билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш	Мавзу, курс бўйича асосий билимлар тизими яхлитлигини шакллантириш, дунёқараш ғояларини ажратиш.	Предметлараро ва курслар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш, классификацияга кириш бўйича таълим олувчиларнинг фаол ва продуктив фаолияти.
Билимларни назорат қилиш ва текшириш	Билимларни ва ҳаракат усулларини эгаллаш, уларни тузатишни таъминлаш сифат даражасини аниқлаш.	Режалаштирилган ўқитиш натижаларига барча таълим олувчилар томонидан эришилганлик ҳақида тўғри ахборотни олиш.
Машғулотга яқун яшаш	Мақсадга муваффақиятли эришилганликни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келажакдаги ишларни белгилаш.	Таълим олувчининг ўз-ўзини баҳолаши, педагог баҳоси ўхшашлиги. Таълимнинг аниқ натижаси ҳақида ахборотларни таълим олувчиларнинг олиши.
Рефлексия.	Ўз хулқига рефлексия учун таълим олувчиларни сафарбар қилиш (мотивация, фаолият усуллари, умумлаштириш). Ҳамкорлик ва ўз-	Таълим олувчиларнинг ўз ҳаракатларини англаши ва баҳолашидаги холислик. Ҳамкорлик ва ўз-ўзини регуляция

	Ўзини регуляция қилиш принципларини ўзлаштириш.	қилиш усулларини прогноз этиш.
Уй вазифаси ҳақида ахборот, уни бажариш бўйича инструктаж.	Мақсадни, мазмунни, уй вазифасини бажаришни тушунишни таъминлаш. Мос ёзувларни текшириш.	Барча таълим олувчиларнинг фаол ривожланишига мос уй вазифасини муваффақиятли бажариши учун керакли ва етарли шароитларни амалга ошириш.

Машғулотнинг намунавий структураси.

1. Машғулот бошланишини ташкил этиш: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни қўйиш, машғулот мавзуси ва режасини маълум қилиш.

2. Муҳим билимлар (такрорлаш): янги мавзуни ўрганишга тайёрланиш учун таълим олувчилардаги бор билим ва кўникмаларни текшириш.

3. Янги материални тушунтириш: янги билим ва кўникмалар билан таништириш, уларнинг эталон намуналарини кўрсатиш.

4. Мустаҳкамлаш: намуна бўйича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича машқлар.

5. Машғулотга яқун ясаш: хулосаларни шакллантириш.

Машғулотнинг типи ва турлари қўйидаги жадвалда ажратиб кўрсатилган.

3-жадвал

Машғулот типи ва турлари

<i>Машғулот типлари</i>	<i>Машғулот турлари</i>
Машғулотга кириш (янги ўқув материални ўрганиш ва ўзлаштириш).	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, намойиш қилиш, тадқиқотчилик типдаги машғулот.
Умумлаштирувчи машғулот (билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш машғулоти, ўзлаштирилганларни қўллаш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш). Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш.	Такрорлаш, умумлаштириш, репродуктив типдаги машғулот, амалий машғулот, экскурсия машғулоти, семинар, конференция, якуний машғулот, умумлаштирувчи мустақил ишлар.
Назорат (билим ва кўникмани ҳисобга олиш ва баҳолаш).	Сўраш, баҳолаш, конкурс, кўргазма, мусобақа.
Комбинациялашган.	Бунга барча 4 типдаги асосий машғулот турлари киради.

Яхлит ўқитиш жараёни қонуниятлари ва таълимнинг замонавий мазмуни таркиби, жумладан ўзлаштириш, ҳисобга олиниши муҳим бўлган машғулотга қўйиладиган бир қатор ўзгармас талабларни аниқлайди.

Машғулот ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллашни назарда тутувчи материалларни фақат баён этишни кўзламасдан, балки топшириқларни ҳам назарда тутуди, Бу билимларнинг бир қисми, таълим оловчилар томонидан мустақил изланиш жараёнида топшириқларни ечиш йўллари топиш билан олинади, машғулотда материалларни баён этиш вариатив бўлиши лозим. Бу тайёр ахборот, муаммоли вазифани ечиш, ечимини исботлаб бериш бўлиши мумкин.

Машғулот, ўқув жараёнини ташкил этишнинг мураккаб шаклидир, бу педагогдан машғулотни ўтказиш жараёнида катта маъсулият, уни режалаштиришда ижодий ёндашувни талаб этади: вақтни тўғри тақсимлаш, таълим оловчиларнинг ишлашида ҳар бир машғулот қисмини, шахсий таълим бериш фаолиятини назорат қилиш.

Ҳар бир ўқув йили учун фанларни ўрганиш календар-мавзуий режаси ва ўқув дастури бўлиши керак. Мавзуий режалаштириш чизмаси қўйидаги иловада берилган (машғулотнинг режа-конспекти).

4-жадвал

Мавзуий режалаштириш чизмаси

Машғулот тури номи.	
Таълим оловчи муассасаси номи.	
Машғулот муддати, вақти, ўтказилиш жойи.	
Таълим оловчилар ёши ва ўқиш йили.	
Педагогнинг ф.и.ш., тоифаси ва педстажи.	
Мавзу номланиши	Календар-мавзуий режага асосан
Машғулот мақсади.	Таълимий мақсад: таълим оловчиларнинг қандай билим, кўникма ва малакаларини ўстиришни назарда тутуди. Ривожлантирувчи мақсад: машғулот қандай ривожлантирувчи натижа бериши мумкин. Тарбиявий мақсад: шахснинг қандай сифатлари шаклланади.
Ўқитиш методлари.	Кўрсатиш, суҳбат, тренинг, этюдлар, импровизация.
Ўқитиш шакллари.	Гуруҳли, звеноли, индивидуал.
Машғулот типи.	Масалан: комбинациялашган, кириш машғулоти (янги материални ўрганиш) ёки якуний машғулот (умумлаштирувчи).
Жихоз ва асосий ахборот манбалари.	Асосий маҳсус адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари.
Машғулотнинг бориши. Бунда унинг асосий босқичлари, кетма-кетлиги аниқланади, ҳар бир босқич учун керакли вақт тақсимланади, босқичлар мазмуни, педагог ва таълим оловчининг иш шакллари, ўқитишнинг восита ва методларидан фойдаланиш аниқланади.	
Долзарблштириш (ўрганилган материални такрорлаш)	Бу ерда олдин ўрганилган қандай тушунча ва ҳаракатларни фаоллаштириш кераклиги, ишни назорат қилиш шакллари кўрсатилади.

<p>Янги материални ўрганиш, янги кўникма ва малакаларни шакллантириш.</p>	<p>Берилган мавзу бўйича киритиладиган янги тушунча ва ҳаракатлар кўрсатилади. Таълим олувчиларнинг кўзда тутиладиган билим, кўникма ва малакаларидаги ўсиш кўрсатилади. Таълим олувчилар нимани билиш ва ўзлаштириш кераклиги, қандай ҳаракатларни бажариши ва қандай усуллар билан бажарилиши аниқ кўрсатилади. Назоратни ташкил этиш. Янги материални ўрганиш жараёнида янги билимларни ўзлаштириш юзасидан назоратни ташкил этиш лозим, у ўз ичига қуйидагиларни олади: мантикий саволларни қўйиш, тескари алоқани амалга ошириш, мустақил ишни.</p>
<p>Ўрганилган материални мустаҳкамлаш.</p>	<p>Кўникма ва малакалар машғулотда мустаҳкамланиши лозим, айниқса асосан мустақил қўллаш жараёнида. Таълим олувчилар мустақил ишининг типи ва турлари аниқланади. Мустақил ишларни ташкил этиш методикаси. Бу оддийдан-мураккабга принципи асосида 4 та босқичда ташкил этилади. 1. Намуна бўйича. 2. Кўп мустақилли (масалан, педагог билан синхрон). 3. Абсолют мустақил. 4. Ижодкорлик.</p>
<p>Машғулот якуни.</p>	<p>Уйга вазифа бериш.</p>

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган машғулот структураси методик структура ёрдамида педагогнинг амалий фаолиятида амалга оширилади. Методик структура педагог томонидан аниқланади, у восита, усул ва йўлларни танлайди. Бунда у машғулотнинг барча структурасини инobatга олади ва уларни методик структура ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қилади. Юқорида келтирилган структуранинг барча элементлари машғулотга тайёрланиш ва ўтказиш вақтида педагог ечиши лозим бўлган худди амалий вазифалар каби яққол кўринади.

Умумий ҳолда машғулот структурасини ташкил этувчи босқичлар йиғиндиси қуйидагилар: ташкилий босқич, уй вазифасини текшириш. таълим олувчининг субъект тажрибасини долзарблаштириш, фаолиятнинг янги билимлари ва усуллари ўрганиш, ўрганганларни тушунишни дастлабки текшириш, мустаҳкамлаш, қўллаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш, назорат ва ўз-ўзини назорат, коррекция, уй вазифаси ҳақида ахборот, ўқув машғулотини яқунлаш, рефлексия. Ушбу босқичлар йиғиндисидан педагог машғулотда ечилиши керак бўлган вазифаларга мос турли комбинацияларни яратади.

Асосий босқич ўқув машғулоти типини аниқлайди. Мавзунини ўрганиш чегарасида қуйидаги кетма-кетликдан фойдаланилади: янги билимларни ўзлаштириш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, билим ва кўникмаларни қўллаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, билимларни назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда билимларни коррекция (тузатиш) қилиш машғулотлари.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон).
2. Аноркулова Г.М. Олий таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этилишига таъсир этувчи омиллар // “Олий таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т., -2006. - Б. 14-16.
3. Ахмедова М.Т.нинг "Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил этиш технологияси (Тикувчилик ишлаб чиқариш тайёрлов йўналиши мисолида)". Дисс... пед.фан. номзоди. -Т.: -2011, - 128 б.
4. Байкова Л. А., Гребенкина Л.К. Педагогическое мастерство и педагогические технологии. М., -2000.
5. Башмаков М.И., Поздняков С.Н., Резник Н.А. Планирование учителем своей деятельности // Школьные технологии. -2001. № 1. С. 133-140.
6. Бершадский М.Е., Гузеев В.В. Дидактические и психологические основания образовательной технологии. –М.: Центр «Технологический поиск», -2003. – 256 с.
7. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси амалиёти: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент. - 2007. –38 б.
8. Эрназаров А.Э. Oliy ta’lim muassasalarida pedagoglarning o‘quv mashg‘ulotiga tayyorgarligi bosqichlari, shakllari, komponentlari va mezonlari // Sohibqiron yulduzi. Ijtimoiy-tatixiy, ilmiy va ommabop jurnal. – Қарши, 2022. №1. 188–193 б. (13.00.01; № 36).
9. Эрназаров А.Э. Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг замонавий технологиялари // Педагогика ва психологияда инновациялар. – Тошкент, 2021. №5. 204–206 б. (13.00.01; № 15).
10. Эрназаров А.Э. Муаммоли ўқитиш технологиялари асосида ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш // Та’лим, fan va innovatsiya. – Тошкент, 2016. №1. 86–89 б. (13.00.01; № 18).

11. Эрнazarов А.Э. Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар ва уларнинг амалда қўлланилиши. Урганч давлат университети. Илм сарчашмалари журнали. – Урганч, 2021. №8. 89–91 б. (13.00.01; №31).
ERGASHEVICH, E. A. (2020). Methods of Modern Organization and Implementation of Training. *JournalNX*, 6(05), 311-315.
12. Ernazarov A.E. [Specific features of training](#). International Journal on Integrated Education. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i5.375>. Volume 3, Issue V, May 2020. pp.30-34.
13. Ernazarov A.E. [Clarification of the purpose and design of the training sessions](#). World Scientific News, Scientific Publishing House „DARWIN». WSN 80 (2017) 101-115.
14. Ernazarov A.E. Features of defining goals and objectives in training. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. 15 April 2021. 444-448.
15. Ergashevich, E. A. (2017). Clarification of the purpose and design of the training sessions. *World Scientific News*, (80), 101-115.
16. Ergashevich, E. A., & Bahronovna, C. G. (2023). INNOVATIVE TRAINING IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS MANAGEMENT FUNCTIONS. *International Journal of Engineering Mathematics (Online)*, 5(2).
17. Ergashevich, E. A. (2023). ТА’ЛИМ ОЛИШ ЖАРАЙОНИДА ТА’ЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, 6(3).
18. Ergashevich, E. A. (2023). PRACTICAL APPLICATION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. *Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595)*, 3(2).
19. Ergashevich, E. A. (2017). Implementation of Modern Pedagogical Technologies in the Process of Training Sessions. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 6(5), 37-47.
20. ERGASHEVICH, E. A. (2020). Methods of Modern Organization and Implementation of Training. *JournalNX*, 6(05), 311-315.